

Саҳиҳул Бухорийнинг муҳтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 249-ҳадис

6181-249 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «قَالَ اللَّهُ: يَسْبُبُ ابْنُ آدَمَ الدَّهْرَ، وَأَنَا الدَّهْرُ، بِيَدِي اللَّيْلُ وَالنَّهَارُ». .

249- 6181. Абу Хурайра розияллоҳу анҳу айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Аллоҳ айтади: «Одам болалари замонни сўқади. Ҳолбуки, замон Менман. У кечаю кундуз Менинг қўлимдадир!»**

Изоҳ: «**Замон Менман**» дегани «Замоннинг эгаси, айлантирувчиси Менман», дегани. Гапни қисқароқ, балоғатлироқ қилиш учун шундай услуб қўлланган. Кейинги «**У кечаю кундуз Менинг қўлимдадир**» деган жумла буни изоҳлайди. Демак, замонни сўкиш, ундан нолиш тӯғри бўлмас экан, чунки бу гап бевосита унинг Эгасига нисбатан айтилган ҳисобланар экан.

Манба: hadis.islom.uz

